

11-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

4-вариант

№ 1. Такрорлаш йўли билан ҳосил бўлган аниқловчини аниқланг.

Узун-узун арғамчи ерда ётса майлими.

- а) узун-узун б) арғамчи в) майлими г) ётса

№ 2. Бош ҳарфлар имлосига номувофиқ ёзилган қаторни аниқланг.

- а) Ўзбекистонлик, Она Юртим
 б) Галаба боғи, Бобур кўчаси, «Салом» чойхонаси
 в) Самарқанд вилояти, Сатира театри
 г) Бўзсув, Нурота ноҳияси

№ 3. Имло қондасига номувофиқ ёзилган қаторни аниқланг.

- а) Болтабой, Эркин, Дилдор
 б) Устоз, Шалола, Садарайхон
 в) Пўлат, Тоштемир, Гулшан
 г) Малика, Лола, Нилуфар, Ўлмас

№ 4. Рақобат сўзи қандай маъно англатади?

- а) конкуренция б) стилистика
 в) акция г) бюджет

№ 5. Жуда эски сўзига тенг келадиган иборани топинг.

- а) оёғини кўлига олиб б) оғзи очилиб қолди
 в) алмисоқдан қолган г) оҳори тўкилган

№ 6. Нукталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйинг.

Табиий бойликлардан ақл талабича фойдалан ... зарурлигини уқ ... моқдалар.

- а) -иш, -тир б) -н, ин
 в) -иш, -қиз г) -ш, -дир

№ 7. Тушум келишигини ўрбида жўналиш келишигини қўллаш мумкин бўлган гапни топинг.

- а) Гапингизни тушунмадим.
 б) Шоир янги шеърни ўқиб берди.
 в) Бутун далани кезиб чикдим.
 г) Тоғ хавосин ким мақтамайди.

№ 8. Қайси гапда кўмакчи нотўғри ишлатилган?

- а) Аъзолар дала томон йўл олдилар.
 б) Чўпон қўйлар учун гапирди.
 в) Дарёдан кўприк орқали ўтдик.
 г) Туғилган кунинг билан табриклайман.

№ 9. Эгалик қўшимчалари қўшилганда ўзақда ўзгариш содир бўлмайдиган сўзлар гуруҳини топинг.

- а) пишлок, қошиқ б) завк, хужук, эрк
 в) кўшиқ, этик, эшик г) қишлоқ, тилак, ишк

№ 10. Уюшган тўлдирувчини белгиланг.

Бахтни ҳам, тотувликни ҳам, молу-давлатни ҳам меҳнат билан топилгани яхши.

- а) бахтни ҳам
 б) меҳнат билан
 в) топилгани
 г) бахтни ҳам, тотувликни ҳам, молу-давлатни ҳам

№ 11. Туб сўзларни топинг.

- а) нодон, билимдон б) сиёҳдон, туздон
 в) гулдон, кадрдон г) майдон, виждон

№ 12. Имло қондасига номувофиқ ёзилган қўшма сўзларни аниқланг.

- а) найча пайванд, намозшомгул, жонкуяр
 б) бодом қовоқ, ноғора базм, лашкарбоши
 в) лоларанг, довьорак, марварид гул
 г) ўринбосар, чет эл, соф кўнгилли

№ 13. Жавобларнинг қайси бирида ҳис-ҳаяжон, ундов сўзларнинг ёзилиши қандага мос тушмайди?

- а) эвоҳ, яшасин, уф, эй
 б) воҳ-воҳ, ура, ох, ух
 в) додвой, дув, дув, ўх, ўх, ўх, эйҳа
 г) о, эй, вой, ие

№ 14. Берилган қўшма сўзларнинг қайси қатори тўғри ёзилган?

- а) Аму-дарё, минг оёқ б) бутуниттифок, ер ёнғоқ
 в) баъзи бир, ҳар ким г) ўттизбеш, бешхонали

Қадим замонларда ўғри, жиноятчи кишиларнинг айблари исботланса, қўлларини кесар эдилар. Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг олдига ўғирлик билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюрди. Халқ йиғилди. Ўғрини жазо майдонига олиб келдилар. Жаллод ҳозирланди. Шу вақтда бир кичик қиз ҳоким ёнига келди. Тиз чўкиб, йиғлаб айтди: “Азиз ҳоким, ножўя иш қилгани учун жазо беришга ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта фарзанди бор. Онамиз касал, буларни боқа олмайди. Агар отамнинг қўлини кестирсангиз, ҳаммамиз очимиздан ўламыз, чунки бизнинг яшашимизга фақат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кестирманг, агар қўл кестирмасдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесинглар”.

Ҳоким шу кичик қизда ота-онага муҳаббат шу қадар кучли эканидан хайратда қолди. Яна уни синамоқ учун: “Майли отангининг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман, эртагача сенга муҳлат бераман. Яхшилаб ўйлаб кўр, кейин пушаймон емагин”, -деди. Эртаси куни отасининг қўлини боғлаб жазо майдонига келтирдилар, қиз ҳам пайдо бўлди. Отасини кўргач, севиниб: “Отажон, сира кўркманг, мен ҳокимга “Отамиз қўли ўрнига менинг қўлимни кестиринг”,-деб ялиндим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қиладилар,-деб қўлини жаллодга узатди. Қизнинг сўзларини эшитиб, ота-онага бўлган кучли муҳаббатини англаган ҳоким қаттиқ таъсирланди. Жазо майдонига йиғилган халқ чидолмай кўз ёшларини тўқди. Ҳоким дарҳол қизнинг отасини озод қилди. Қизни эркалаб, ардоқлаб, кўп илтифотлар кўрсатди. Ота-бола кучоқлашиб, севина-севина уйга қайтишди. Ҳоким жазо майдонида бир тош устига “Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай бахтлидир”,-деган жумлани ёзишга амр этди.

№ 15. Қиз нима мақсадда ўз қўлини кестиришга рози бўлди?

- а) ўғрилиқ қилган эди
- б) отасини кутқармоқчи бўлди
- в) ҳокимга беодоблик қилди
- г) отасининг қўлини кесганликлари учун

№ 16. Қизнинг отасини қўлини кесилдан бошқа жазо борлиги ҳақида айтилганми?

- а) дорга осилиши мумкин эди
- б) сургун қилиниши айтилган
- в) қизнинг бошидан жудо қилиниши айтилган
- г) йўқ, бошқа жазо ҳақида айтилмаган

№ 17. Ҳоким нима учун ўғрини озод қилди?

- а) бошқа қайтармаслик шарти билан

- б) қизнинг қўлини кесиш эвазига
- в) инсонларнинг илтимосига биноан
- г) қизнинг отасига бўлган муҳаббатидан таъсирланиб

№ 17. Матндан қандай ўрнак ва ибрат олишингиз мумкин?

- а) ўғрилиқка жазо бермаслик
- б) оғир вазиятдан хийла билан чиқишлиқ
- в) ёмон ишдан узоқ ва меҳрибон бўлишлиқ
- г) бераҳм бўлишлиқ

№ 19. Бу ҳикояни сиз қандай номлаган бўлардингиз?

- а) Донишманд қиз
- б) Шафқатли подшоҳ
- в) Ота-она
- г) Ота-онага муҳаббатли қиз

№ 20. “Майли отангининг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман,.....” Юқоридаги гапни ҳоким нима мақсадда айтганди?

- а) синаб кўриш учун қизнинг
- б) отасини жазолаш учун
- в) дадасини кутқариш учун
- г) қўлини кестириш учун

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори – 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»